



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРОДАР ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИСИ ВА ХАЛҚИНИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари биродар Тожикистон Президенти ва халқини мустақилликка эришилганининг 30 йиллиги билан самимий муборакбод этиб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, катта муваффақиятлар ва равнақ тилаklarини изҳор этди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги қўп қиррали ҳамкорлиқни, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги шериклиқни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Президентлар жорий йилнинг 16-17 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида ўтказиладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси тадбирларига тайёргарлиқнинг боришини кўриб чиқдилар, шунингдек, Афғонистонда вужудга келаётган вазият юзасидан фикр алмашдилар.

ШХТнинг бўлажак саммити доирасида етакчилар икки томонлама ва минтақа кун тартибидagi масалалар бўйича алоҳида учрашув ўтказиши юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗА

ШАРҲ

Иқтисодиёт глобаллашуви жадал чуқурлашаётган, хўжаликлараро, давлатлараро алоқалар ривожланаётган, минтакавий ва халқаро миқёсда қонунчилик бирхиллаштирилаётган шароитда ҳам миллий, ҳам халқаро даражада бозор муносабатларининг асосий элементларидан бири — халқаро тижорат арбитражи тижорат ва инвестиция низоларини ҳал этишнинг муқобил, суддан ташқари шакли сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда.



ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 16 августдан кучга кирган “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши зарурати қуйидагилар билан асосланади. **Биринчидан**, янги Ўзбекистонда халқаро тижорат арбитраж судларининг фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартибини ҳуқуқий тартибга солиш, халқаро арбитраж суди фаолиятининг асосий принципларини белгилаш. **Иккинчидан**, хорижий инвесторлар, шунингдек, миллий компанияларнинг чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш. **Учинчидан**, низоларни кўришда миллий компаниялар сарф-харажатларини қисқартириш, арбитраж ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ихро этиш механизмларини белгилаш ва шу асосда халқаро шартномалар низоли масалаларини ҳал қилишда мамлакатнинг минтақадаги обрўсини ошириш.

Давоми 3-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Узлуксиз маънавий тарбия
концепциясининг моҳияти
ва аҳамияти**

Давлатимиз раҳбарининг маънавият ҳақидаги концептуал фикрлари узлуксиз маънавий тарбия ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ғоясининг назарий ва амалий асосидир. Янги Ўзбекистон учун ҳам ёшларни дунёқараши кенг ва фаол фуқаролар этиб тарбиялаш шахс ва жамият учун бирдек манфаатли саналади.

Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини амалга оширишнинг устувор йўналишлари Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган ёшлар тарбияси билан боғлиқ вазифаларни ўзида мужассам этади. У, шунингдек, ёшларда Ватанга садоқат, тadbirkorlik, иродалилик, масъулиятлилик каби муҳим фазилатларни гўдаклиқдан бошлаб узвий равишда шакллантириш, ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалланинг ўзаро ҳамкорлиги механизминини ишлаб чиқиш ва ҳаёта жорий этиш, аҳолининг фарзанд тарбияси бўйича билими ва педагогик маданиятини ошириш кабиларни назарда тутати.

Давоми 5-бетда

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАР БИР ФУҚАРОСИ ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

Халқимиз дуога қўл очса, ўтаётган ҳар бир куннинг хайрли бўлишини тилаш баробарида, Яратгандан эртанги — янги куннинг фаровон ва баракали бўлишини ҳам сўрайди. Янги тонг юртга тинчлик-хотиржамлик, элга эзгулик, қувончли хабарлар келтиришини ният қилади. Шу тахлит одамларнинг келажак орзулари ва мақсадлари янгиланиб, ҳаётининг асосий мезонларига айланиб бораверади.



Ҳалим йўлдошев олан суратлар.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига берган жавобларида “янги” деган сўзга алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Сабаби, бугун дунёга янгича нигоҳ билан қараётган юртимизга жаҳон ҳам-жамиятининг қизиқиши кун сайин

ортиб бормоқда ва бу ўз-ўзидан мамлакатимиз тараққиётида янги саҳифа очилаётганидан дарақдир.

Интервьюда халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида улуғ аждодларимиз, умуман олганда,

миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи Уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак, адашмаган бўламыз.

Давоми 2-бетда

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗ ШИЖОАТИДАН КУЧ ОЛИБ...



Кейинги беш йилда барча соҳалар қатори адабиётга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз”, деган сўзлари бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратишда ёзувчи ва шоирлар учун порлоқ маёқ вазифасини ўтамоқда. Бу жараёнлар барча ишларда адолат устуворлиги ғоясига тўла мос келади.

Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ — АМАЛДА

ИНТИҚИБ КУТИЛГАН ОРЗУЛАР РЎЁБИ

ОЛОТ ВА ҚОРАҚЎЛ ТУМАНЛАРИДАГИ 50 МИНГДАН ЗИЁД ХОНАДОНГА
ТОЗА ИЧИМЛИК СУВ КИРИБ БОРДИ

Сувнинг ҳар бир томчиси зарга қийс. Бу неъматнинг қадри Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл аҳли учун янада баланд. Чунки узок йиллардан буён бу икки ҳудуд аҳолисини тоза ичимлик сув муаммоси қийнаб келарди. Олот туманининг бу борадаги кўрсаткичи атиги 22,4 фоиз бўлса, Қорақўл туманида бор-йўғи 7,2 фоизга етар-етмас эди. Бугунга келиб бу рақамлар қарийб юз фоизга етди.

Бухоро вилояти шароитида аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Айниқса, оби-ҳаёт саҳро бағридаги Олот ва Қорақўл тумани учун узок йиллик ҳаётий эҳтиёжга айланган эди. Шу боис, Президентимизнинг таклиф ва ташаббуслари билан бу икки ҳудуд аҳолисининг сув таъминотини яхшилашга қаратилган умумий қиймати 139 миллион долларга тенг бўлган лойиҳа ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йиллар давомида Бухоро вилоятига амалга оширган барча ташрифлари чоғида Олот ва Қорақўл туманлари аҳолиси учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган ушбу лойиҳа ижросига жиддий эътибор қаратиши замирида ҳам аслида шу юрт одамлари ҳаётини яхшилашдек улуғ мақсад мужассам эди.

Давоми 4-бетда



ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ИМЗО ВАРАҚАЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ



Жорий йил 8 сентябрь куни Марказий сайлов комиссиясида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси тегишли ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этди.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган ҳақидаги гувоҳномаларни олганидан сўнг сайловчиларнинг имзосини тўплашга киришган эди. Қайд этиш жоиз, сиёсий партия Ўзбекистон Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаб, жами сайловчиларнинг умумий сонидан камида бир фоизининг имзосини (тахминан 212 минг имзо) тўплаши керак.

Сайлов кодексининг 38-моддасига мувофиқ, сайловчилар битта ёки бир нечта сиёсий партияни ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли. Имзо варақаси имзони тўплаган шахс томонидан фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган ҳолда имзоланади. Шунингдек, тегишли сиёсий партиянинг туман, шаҳар тузилмаси раҳбари томонидан муҳр босиб тасдиқланади.

Сайловчиларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбурлаш ва ўзига огдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Сайлов кодексининг 39-моддасига асосан, сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилгани Марказий сайлов комиссияси томонидан беш кунлик муддатда текширилади. Сайловчилар имзолари зарур сонининг камида ўн беш фоизи ва имзо варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширилиши лозим.

Текшириш учун сайловчиларнинг ҳар бир сиёсий партияни ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаб берилган имзолари бир хил миқдорда, ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилмадан тенг нисбатда танлаб олинади.

**Марказий сайлов комиссияси
матбуот хизмати**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисида Ҳукуматнинг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-сон қарори ижросини вазирликлар, идора ва ташкилотлар ҳамда Хоразм вилояти ва барча даражадаги ҳокимликлар томонидан таъминлаш юзасидан раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев топшириғига кўра жорий этилган янги тизим асосида юритилаётган “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар ва хотин-қизларга манзилли кўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқиш, унинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарорининг ҳудудларда, жумладан, Хоразм вилоятидаги ижроси таҳлил қилинди.

“Аёллар дафтари” — ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, 30 ёшдан ошган ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси. Унга, бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки ногирон фарзандлари бор, уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлган, нотураж жойларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар киритилади.

Биринчи ярим йилликда республика бўйича 6,5 миллионга яқин хотин-қиз ўртасида сўровлар ўтказилиб, уларнинг 432 минг 781 нафари “Аёллар дафтари”га киритилди. Жорий йилнинг ўтган даврида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг 99,4 фоизига амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, Хоразм вилоятида 41 минг 859 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди, 11 мингдан ортиқ аёлнинг ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммолари ҳал этилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Амалга оширилган ишлар натижасида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг 52 мингдан ортиги халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларининг қарори асосида дафтардан чиқарилди. Худудда ўзининг ҳамда қарамоғидаги фарзандларининг ногиронлиги бор ёлғиз аёлларни эса ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида маҳаллалар кесимида “Ёшлар дафтари” тизими жорий этилди. “Ёшлар дафтари”га бандлиги таъминланмаган, ижтимоий ҳимояга, иқтисодий ва психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар киритилди.

Йил бошидаги хатлов ва ўрганишлар натижасида “Ёшлар дафтари”га 591 минг нафар ёш киритилди ва амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 560 мингдан ортиқ ёш рўйхатдан чиқарилди.

Хусусан, Хоразм вилоятида “Ёшлар дафтари”га киритилган 58 мингдан ортиқ ёшга иқтисодий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатилди, аксариятининг бандлиги таъминланди.

Раёсат мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарори ижросини таъминлашда бир қатор камчиликлар аниқлангани таъкидланди. Жумладан, ишчи гуруҳ томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга кўрсатилган ёрдамнинг ҳаққонийлиги ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра, ҳисоботларда “ёрдам берилди” деб кўрсатилган хотин-қизлардан 7 нафарига амалда етарли даражада ёрдам берилмасдан, “Аёллар дафтари”дан чиқарилгани аниқланди.

Шу билан бир қаторда, “yoshlardaftri.uz” электрон платформаси орқали Хоразм вилоятидан тушган онлайн мурожаатлар таҳлили, мурожаатларнинг 91 таси сектор раҳбарлари томонидан эътиборсиз қолдирилгани аниқланди ва бу ёшларнинг муаммоларига етарлича эътибор қаратилмаганидан далолат беради.

Раёсат мажлисида маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазир Р. Маматов, Ёшлар ишлари агентлиги директори А. Саъдуллаев, Хоразм вилояти ҳокими Ф. Эрматова ушбу қарорнинг ижроси жойларда сифатли ва тўлиқ ижро этилишида шахсан жавобгар эканлиги яна бир бор таъкидланди. Хотин-қизлар ва ёшларга оид давлат сиёсати, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштиришда самарадорлик қатъий назоратга олинмагани кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, Хоразм вилоятининг 6 нафар масъул ходимига “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган ва 11 нафарига огоҳлантириш берилгани таъкидланди.

Раёсат мажлисининг муҳокамаларидан келиб чиқиб, ижро ҳолатини ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Ҳаракатлар режаси тасдиқланди, шу билан бир қаторда, барча вазирлик, идора, ташкилотлар ҳамда ҳокимликлар олдида хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий, иқтисодий қўллаб-қувватлашдаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” бўйича амалга оширилган ишлар асосида “Энг намунали худуд”, “Энг намунали сектор”ларни аниқлаб, уларнинг фаолиятини омма-лаштириш;

“Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”дан муаммоси ҳал этилиб чиқарилганларни ўрганиш ва ҳаққонийлигини таҳлил қилиш;

иккинчи хатловларнинг тўғри ташкил қилинганлиги бўйича мониторинг гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш ва ҳар бир шахсга сифатли ва индивидуал ёрдам кўрсатишни ташкил этиш каби топшириқлар берилди.

Раёсат мажлисида мазкур қарорнинг жойларда сифатли ижро этилиши хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммолари ҳал этилишида, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда асосий дастуриламал экани таъкидланди ҳамда бошқа масалалар атрофида муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАР БИР ФУҚАРОСИ ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА



Раҳмат МАМАТОВ, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, Олий Мажлис Сенати аъзоси

► Бошланиши 1-бетда

Айни вақтда ватанимиз тарихи саҳифаларида бошланаётган Учинчи Ренессанс ҳаракати юртимизда маънавий уйғониш даврини янги босқичга олиб чиқиш баробарида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётида муҳим даври бошлаб бермоқда.

Суҳбат асосида янги Ўзбекистонни барпо этиш туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив зарурат экани алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Шунинг баробарида ўтган сўнгги беш йил давомида ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида давлатимиз томонидан қатор муҳим чоралар қўрилди. Юрдошларимизнинг неча йиллик муаммоси бўлиб келган “прописка”, хорижга чиқиш учун “стикер”, уй-жойини ўз номига расмийлаштириш, валюта бозорининг эркинлашувидаги мавжуд тўсиқлар олиб ташланди. Бир сўз билан айтганда, одамларнинг янги кунга — янги Ўзбекистонга интилиши ва ишончи мазкур муаммоларнинг кетма-кет ҳал этилиши баробарида янада қучайди, десак муболаға бўлмайди.

Интервьюда акс этган яна бир муҳим ҳақиқат шуки, давлатимиз раҳбарининг ўз вақтида кўрсатган ташаббуси натижасида халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши бўйича катта қадамлар қўйилди ва бу ўзгаришлар жараёни бугун янада изчил давом этмоқда.

Энг муҳими, яқин йилларга қадар оддий аҳоли вакилларига яқинлашишни, уларнинг муаммо ва дардларини эшитишни истамаган маҳаллий ҳокимлик ва давлат идоралари раҳбарлари бугун халқимиз олдида ҳисобот берапти. Уларнинг сўзига, ҳаётида учраётган муаммоларга қулоқ тутиб, мавжуд камчиликларни ҳал этиш бўйича барча зарур чораларни қўряпти. Аниқроқ айтганда, халқ вакилларидан иборат давлат идоралари ва ҳокимликлар шу одамлар олдида ҳисобдор эканини тўла англамоқда.

Бу саъй-ҳаракатларнинг энг кўзга кўринарли натижаси сифатида бугун жамиятда адолат қарор топиши, одамларнинг эса бунга ишончи мустаҳкамланиши учун муҳим асослар яратилди. Халқимиз “раҳбарлар бугун менинг гапларимни эшитаяпти, бизнинг сўзларимизга ҳатто Президент қулоқ тутаяпти” деган мустаҳкам ишонч ортида бугунги кунидан катта мамнуний туйяпти, эртанги кунига қатъий ишончи ортаяпти.

24 O'ZBEKISTON
OKTABR 2021-YIL SAYLOVI
PREZIDENTI

Жасур СОЛИХОВ, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ректори

Яқиндагина Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаган халқимиз муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибди. Сайлов эса бевосита халқ хоҳиш-истаги, орзу-умидлари ва иродасига боғлиқ жараён.

Эртанги ҳаётимиз фаровонлигида фуқароларнинг танлови долзарб аҳамият касб этади. Шу боис, сўнгги йилларда юртимизда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда аҳолининг ижтимоий турмуш ҳолатини яхшилаш масаласини алоҳида қайд этар экан, бу давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб қолишини айтиб ўтди.

Тан олиш лозимки, юрдошларимиз турмуш шароитини яхшилаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ҳамда ўзгалар ҳолидан доимий ҳабаб олиш ва бегараз ёрдам кўрсатиш тамойилларига асосланган ўзига хос тизим яратилди.

Энг муҳим қадам сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва фуқароларга ҳар томонлама, манзилли кўмак кўрсатишнинг янги шакли — “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” тизимлари яратилди.

Биргина “Темир дафтар” орқали фуқаролар йигини ҳамда секторлар томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатлами ҳисобга олиниб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўрганилди. Шу билан бирга, аҳолини камбағалликдан қиқариш, улар билан манзилли ва мақсадли иш олиб боришга доир муҳим ва керакли қадамлар қўйилди.

Ўтган вақт давомида ушбу рўйхатдаги юз минглаб фуқароларга зарур ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида “Темир дафтар”га киритилган 659 минг 68 ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди, 89 минг 412 эҳтиёжманд, моддий ёрдамга муҳтож оилалар иситиш мосламалари, кўрпа-тўшак ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Ушбу йўналишдаги ишлар айни дамда ҳам қизгин давом этмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 30 июлдаги “Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори



рорига кўра, жорий йилнинг август ойда “Темир дафтар”га киритилган, боқувчисини йўқотганлик нафақасини олгуви оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган ҳар бир фарзандига, шунингдек, ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган ҳар бир болага давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан 500 минг сўм миқдоридан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Бундан асосий мақсад моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандларини кийим-кечак, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиздаги хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ишсиз аёллар



Жанни Иброҳимов сўзлаётган

бандлигини таъминлашнинг янги тизими сифатида йўлга қўйилган “Аёллар дафтари” ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида катта ижтимоий дастур сифатида қўллаб-қувватлаш кувонч улашмоқда.

Ушбу тамойил асосида шу кунга қадар юртимиздаги 30 ёшдан юқори бўлган миллионлаб хотин-қизлар билан суҳбат олиб борилди ҳамда уларни қийнаётган масалалар ўрганилди. Масъул вазирлик ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ушбу дафтарга киритилган 432 минг нафарга яқин хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, турли касб-хунарга ўқитилди, тadbirkorликка қизиқиши бор аёлларга имтиёзли кредит маблағлари олишга кўмаклашилди. Шу билан бирга, 36 минг 697 нафар боқувчисини йўқотган, 29 минг 40 нафар ногиронлиги мавжуд хотин-қизларга ёрдам кўрсатилди.

Яна бир асосий ютуқ сифатида “Аёллар дафтари”га киритилган, муҳтож ва ногиронлиги мавжуд хотин-қизларнинг 4 минг 164

“ЮРДОШЛАРИМИЗ ТУРМУШ
ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ,
АЙНИҚСА, ИЖТимоий
ҲИМОЯГА МУҲТОЖ
ОИЛАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
МАҚСАДИДА СўНГГИ
ЙИЛЛАРДА ХАЛҚИМИЗНИНГ
ИНСОНПАРВАРЛИК ҲАМДА
ЎЗГАЛАР ҲОЛИДАН ДОИМИЙ
ХАБАР ОЛИШ ВА БЕГАРАЗ ЁРДАМ
КўРСАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗИГА ХОС ТИЗИМ
ЯРАТИЛДИ.
”

“Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга ижтимоий кўмак бериш ва уларнинг доимий даромад топишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб бериш бўйича бошланган ишлар изчил давом эттирилмоқда.


Шу билан бирга, кексалар ва ногиронлиги мавжуд юрдошларимизни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича йўлга қўйилган ишлар мунтазам олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўзида 8 минг нафар нуронийнинг санаторийларда даволаниши, 16 минг 430 нафарининг бепул чуқур тиббий кўриқдан ўтказилгани, бундан ташқари, минглаб кекса ёшдаги юрдошларимиз ногиронлар аравачаси, эшитиш мосламаси ва реабилитация воситалари билан таъминлангани фикримиз далилидир.

Президентимизнинг интервьюси сўнгги йилларда ватанимиз тараққиётида эришилган ютуқлар ва янги Ўзбекистонга тамал тоши қўйиш бўйича амалга оширилган энг муҳим ишлар нафақат юрдошларимиз, балки хорижий давлатларнинг сиёсий, илмий ва ишбилармон доираларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Суҳбат матни Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон, Италия, Испания каби қатор номдор давлатлар тилларига ўғирилиб, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Истарадимики, барчамиз ушбу интервьюнинг туб моҳиятини тўла англаб етган ҳолда, бу ҳақида оила аъзоларимиз, маҳалладошларимиз, ҳамкасбларимиз билан ҳаётий мисоллар орқали муҳокама қилишимиз даркор. Зеро, ушбу суҳбат янги Ўзбекистоннинг дастлабки шаклланиш босқичлари ва келгуси ривожини ўзида акс эттирган ноёб қўлланмадир.

Ҳатто баъзи давлатларда сайловда иштирок этмаслик ва уни менсимаслик учун ўзига хос жавобгарликлар ҳам белгиланган. Масалан, Сингапурда бундай ҳолатларда жарима жазоси қўлланади. Агар узрли сабабсиз жарима тўланмаса, ушбу фуқаро сайловда иштирок этишдан умрбод четлатилиши мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати, сайлов жараёнларида рақамли навбат йўлга қўйилган. Бу каби амалиётлар Австрия, Бельгия, Болгария, Бразилия, Греция, Миср, Люксембург, Туркия, Покистон каби давлатларда ҳам қўлланади. Дунё тартиботи назарияларида ҳам “Демократлашган дунё” концепцияси намоён бўлмоқда. Сайлов эса демократиянинг бирламчи белгиси ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, олдимизда турган улкан сиёсий-ижтимоий тадбир юртимиз равнақи учун муҳим қадам. Шу боис, ҳар биримиз ушбу жараёнда муносиб иштирок этиш орқали ўз хоҳиш ва сиёсий иродаимизни намоён этишимиз лозим. Бунинг учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Халқимиздан эса ўз келажагига бефарқ бўлмаслик талаб этилади, холос. Доно ва олижаноб ватандошларимиз бу борада тўғри ва муносиб танлов қила олишига ишонамиз.



ШАРҲ



“ Арбитраж суди ҳал қилув қарорини адолатлилиқ бўйича ёки “дўстона воситачи” сифатида фақат тарафлар унга тўғридан-тўғри ваколат берган тақдирдагина қабул қилади. Барча ҳолларда арбитраж суди ҳал қилув қарорини шартнома шартларига мувофиқ ва мазкур битимга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган савдо урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилади. ”

ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Фозилжон ОТАХОНОВ, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори

Бошланиши 1-бетда

Қонуннинг тузилиши ва мазмуни

Қонун БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (UNCITRAL) томонидан қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқулланган Халқаро савдо арбитражи тўғрисидаги намунавий қонун асосида, шунингдек, арбитраж муҳокамаси соҳасида жаҳон амалиёти ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг 85 мамлакатида тижорат арбитражи бўйича қабул қилинган 118 та қонун, шу жумладан, АҚШ, Канада, Сингапур, Россия, Украина, Туркменистон, Европа Иттифоқи мамлакатлари қонунлари мазкур намунавий ҳужжатга асосланади.

Қонун 56 моддани қамраб олган 8 бобдан иборат бўлиб, **умумий қондаларда** асосий тушунчалар, қонуннинг қўлланиши соҳаси, халқаро тижорат арбитражи ҳал этиш учун топшириладиган низолар, арбитраж ва арбитраж муҳокамаси бошқа иштирокчиларнинг иммунитет, арбитраж суди мустақиллиги, суд аралашувининг чегаралари, суд ваколати, ёзма хабарларни олиш, эътироз билдириш ҳуқуқидан воз кечишга оид нормалар белгиланган.

Шунингдек, қонунда арбитраж келишуви таърифи ва шакли, арбитраж келишуви предмети бўлган масала юзасидан судга даъво тақдим этиш ва унинг оқибатлари, арбитраж муҳокамаси тарафининг ташминлаш чораларини кўриш ҳақида арбитраж муҳокамасидан олдин ёки арбитраж муҳокамаси вақтида ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи батафсил ёритилган.

Шу ўринда **арбитраж келишуви** — тарафларнинг шартномавий хусусиятга эгалигидан ёки эга эмаслигидан қатъи назар, бирор-бир аниқ ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлган, улар ўртасида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган барча ёки муайян низоларни арбитражга топшириш тўғрисидаги келишуви эканини қайд қилиш лозим. Арбитраж келишуви ёзма шаклда шартномадаги арбитраж шарт ёки алоҳида келишув тарзида тузилиши мумкин.

Арбитраж судининг таркиби ва юрисдикцияси масалалари қонуннинг алоҳида бобида белгиланган бўлиб, унга кўра, тарафлар ўз хоҳишига биноан арбитрлар сонини белгилаши мумкин, аммо уларнинг сони тоқ бўлиши керак.

Ҳакамлик судидан фарқи равишда арбитраж судида, агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, ҳеч бир шахс ўзининг фуқаролиги сабабли арбитр сифатида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Аммо арбитрни тайинлаш чоғида суд тарафларнинг келишувига мувофиқ арбитрга қўйиладиган ҳар қандай талабни ҳамда мустақил ва ҳолис арбитрни тайинлашни таъминлаши мумкин бўлган фикрларни лозим даражада инобатга олади, яъна тартибдаги арбитр ёки унинг арбитр тайинланган тақдирда эса тарафларнинг фуқаролигидан бошқа фуқароликка эга бўлган арбитрни тайинлаш мақбул эканини ҳам эътиборга олади.

Арбитр фақат унинг ҳолислиги ёки мустақиллиги борасида асосли шубҳалар келтириб чиқарувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ёки у тарафлар келишуви томонидан қўйилган талабларга мос келмаган тақдирда **рад этилиши мумкин**. Тараф ўзи тайинлаган ёки тайинланишида иштирок этган арбитрни рад этиш ҳақида фақат у тайинланганидан кейин ўзига маълум бўлган сабаблар бўйича арг қилиши мумкин.

Арбитр юридик жиҳатдан ёки амалда ўз вазифаларини бажара олмай қолса ёхуд бошқа сабабларга кўра асоссиз кечикиш туфайли уларни амалга оширишга киришмаса, агар арбитр ўзини ўзи рад этиш ёки тарафлар бундай тугатиш бора-сида келишиб олса, унинг ваколатлари тугатилади. Бундай ҳолатда қонунда белгиланган тартибда янги арбитр тайинланади.

Арбитраж судида **юрисдикцияни** белгилаш, яъни мазкур арбитраж суди унга тақдим қилинган даъво аризасини мазмунан кўриб чиқиш, ҳал этиш ваколати бор ёки йўқлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани аниқлаш, аввало, арбитраж суди томонидан ўз юрисдикцияси тўғрисида, шу жумладан, арбитраж келишувининг мавжудлиги ёки ҳақиқийлиги борасидаги ҳар қандай эътироз бўйича ўзи қарор чиқариш орқали ёки қонунда белгиланган ҳолатлар ва тартибда тегишли давлат суди қарори билан амалга оширилади.



Қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг **4-бобида таъминлаш чоралари ва дастлабки қарорлар қабул қилишга оид нормалар белгиланганидир**. Мазкур бобда арбитраж судининг таъминлаш чораларини кўришга доир ваколатлари, таъминлаш чораларини кўриш шартлари, дастлабки қарорларни чиқариш тўғрисидаги ариза ва дастлабки қарорларни чиқариш шартлари ҳамда унинг алоҳида режими, таъминлаш чораларини ўзгартириш, тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш, таъминотни тақдим этиш, ахборотни ошқор этиш, чиқимлар ва зарарлар, таъминлаш чораларини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳамда уни тан олишни ёки ижрога қаратишни рад қилиш учун асослар, суднинг таъминлаш чораларини кўриш ваколатлари батафсил ёритилган.

Қонуннинг **арбитраж муҳокамасини юриштига оид нормалар белгиланган 5-бобида** арбитраж муҳокамаси жараёнида тарафларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш таъминланиши ва ҳар бир тарафга ўз нуктаи назарини баён этиш учун барча имкониятлар берилиши кераклиги кўрсатилган. Шунингдек, давлат судларидан фарқи ўлароқ, тарафлар, ушбу қонун қондаларига риоя этиш шарт билан, арбитраж суди томонидан муҳокаманинг юриштилиши тартиб-таъминоти тўғрисида, жумладан, арбитраж жойи, арбитраж муҳокамасининг тили ва бошланиши каби масалаларни ўз хоҳишига кўра келишиб олиши мумкин.

Арбитраж судига берилган ваколатлар ҳар қандай далилнинг мақбуллиги, алоқадорлиги, муҳимлиги ва аҳамиятлилигини аниқлашга доир ваколатларни ўз ичига олади.

Даъво аризаси ва даъво бўйича эътирозларга оид белгиланган нормаларга кўра, тарафлар томонидан келишилган ёки арбитраж суди томонидан белгиланган муддат мобайнида даъвогар ўзининг даъво талабини тасдиқловчи ҳолатлар ҳақида, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ва ўз даъво талабларининг мазмуни тўғрисида арг қилиши керак, жавобгар эса, агар тарафлар бундай аризаларнинг зарур қисмлари борасида бошқача шартлашмаган бўлса, ушбу масалалар бўйича ўз эътирозларини билдириши керак.

Арбитраж суди даъво аризасини кўриб чиқишни икки хил усулда амалга ошириши мумкин: биринчиси, тарафлар ёки уларнинг вакиллари иштирокида суд мажлисида озаки эшитув ёки озаки музокаралар ўтказиш, **иккинчиси**, суд мажлиси ўтказмасдан тарафлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ва бошқа материаллар асосида қарор қабул қилиш орқали. Бироқ агар тарафлар озаки эшитувни ўтказмаслик тўғрисида келишиб олмаган бўлса, арбитраж суди исталган тарафнинг илтимосига кўра, бундай эшитувни муҳокаманинг тегишли босқичида ўтказиши керак.

Арбитраж судига ҳужжатларни тақдим этмаслик ёки тарафлар келмаслигининг ҳуқуқий оқибатлари қонунда аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра, узрли сабаб кўрсатилмаган ҳолда: 1) даъвогар ўзининг даъво аризасини тақдим этмаган тақдирда арбитраж суди муҳокамани тугатиши; 2) жавобгар даъво бўйича ўз эътирозларини тақдим этмаган тақдирда арбитраж суди эътирозлар тақдим этилмаганлиги фактига даъвогар фикрларининг тан олиниши сифатида қарамай, муҳокамани давом эттиради; 3) исталган тараф эшитувга келмаганда ёки ҳужжатли далилларни тақдим этмаганда, арбитраж суди муҳокамани давом эттириши ва ўзида мавжуд бўлган далиллар асосида ҳал қилув қарорини чиқариши мумкин.

Арбитраж судининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири **низонинг моҳиятига нисбатан қўлланиладиган нормалар ва уларни тарафлар томонидан мустақил танлаш ҳуқуқининг мавжудлигидир**.

Арбитраж суди низои тарафлар низоининг моҳиятига нисбатан қўлланилиши учун танлаган ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал этади, яъни

Жамият

тарафларнинг хоҳиши арбитраж суди учун мажбурий ҳисобланади.

Агар бошқача қоида кўрсатилмаган бўлса, бирор-бир давлатнинг ҳар қандай ҳуқуқи ёки ҳуқуқ тизими кўрсатилгани унинг бир-бирига зид нормаларига эмас, балки ушбу давлатнинг моддий ҳуқуқига бевоқифа ҳавола қилувчи сифатида талқин қилиниши керак.

Арбитраж суди ҳал қилув қарорини адолатлилиқ бўйича ёки “дўстона воситачи” сифатида фақат тарафлар унга тўғридан-тўғри ваколат берган тақдирдагина қабул қилади. Барча ҳолларда арбитраж суди ҳал қилув қарорини шартнома шартларига мувофиқ ва мазкур битимга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган савдо урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилади.

Бир нафардан ортиқ арбитр томонидан арбитраж муҳокамасини ўтказишда, агар тарафлар бошқача шартлашмаган бўлса, арбитраж судининг ҳар қандай ҳал қилув қарори арбитраж суди барча аъзоларининг **кўпчилиқ овози** билан чиқарилади.

Арбитраж муҳокамаси жараёнида тарафлар низои келишув битими тузиш орқали ҳам ҳал қилиши мумкин. Бундай ҳолларда арбитраж суди муҳокамани тугатиши ва тарафларнинг илтимосига кўра, агар ўзининг эътирозлари мавжуд бўлмаса, тарафлар келишган шартлар асосида арбитраж ҳал қилув қарорини қабул қилади. Бундай арбитраж ҳал қилув қарори низоининг моҳиятига кўра ҳар қандай бошқа арбитражнинг ҳал қилув қарори каби кучга эга бўлади ва ўша қарор каби ижро этилиши лозим.

Қонунда арбитраж ҳал қилув қарорининг шакли ва мазмунига алоҳида эътибор қаратишга бўлиб, у ёзма шаклда чиқарилиши ва яъна тартибдаги арбитр томонидан ёки арбитрлар томонидан имзоланиши керак. Бироқ бир нафардан ортиқ арбитр томонидан ўтказиладиган арбитраж муҳокамасида, башарти бошқа имзоларнинг мавжуд эмаслиги сабаблари кўрсатилса, арбитраж суди барча аъзоларининг кўпчилиқ имзолари мавжуд бўлиши етарлидир. Масалан, арбитраж муҳокамасида уч нафар арбитр иштирок этган, аммо ҳал қилув қарорини икки нафар арбитр имзолаган, учинчи арбитр томонидан имзоланмаган ва унинг сабаби ҳал қилув қароридан қўрилган бўлса, бундай ҳал қилув қарори давлат судлари ҳал қилув қарорларидан фарқи равишда қонуний кучга эга бўлади.

Қоида тарихида арбитражнинг ҳал қилув қароридан у нималарга асосланганининг сабаблари кўрсатилиши керак, бундан тарафлар сабаблар кўрсатилиши керак эмаслигига келишиб олган ёки арбитраж ҳал қилув қарори келишилган шартлар асосидаги қарор деб ҳисобланган ҳоллар мустасно.

Арбитраж муҳокамаси ақуний арбитраж **ҳал қилув қарори** чиқарилганда ёки қуйидаги ҳолларда **арбитраж муҳокамасини тугатиш тўғрисида қарор** чиқарилганда тугатилади:

1) даъвогар ўз даъвосини қайтиб олса, агар жавобгар муҳокама тугатилишига қарши эътирозлар билдирмаса ва арбитраж суди жавобгарнинг низо узил-кесил ҳал қилинишидан қонуний манфаатдорлигини тан олмаса;

2) тарафлар муҳокамани тугатиш тўғрисида келишиб олса;

3) арбитраж суди бирор-бир бошқа сабабга кўра муҳокамани давом эттириши зарур эмас ёки имконсиз деб топса.

Шунингдек, қонунда арбитражнинг ҳал қилув қарорини тузатиш ва шарҳлаш, арбитражнинг қўшимча ҳал қилув қарорини чиқариш ҳамда ҳал қилув қарори устидан судга шикоят қилиш ва уни ижрога қаратиш тартиби ҳам белгиланган.

Кутилаётган натижалар

Мазкур қонуннинг қабул қилингани: **биринчидан**, Ўзбекистонда низоларни муқобил ҳал қилиш усули ҳисобланувчи ва оммавий аҳамиятга эга бўлган функцияни амалга оширувчи фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида арбитраж муҳокамаси институтини ривожлантиришга; **иккинчидан**, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарурий ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга; **учинчидан**, ташқи савдо ҳамда бошқа ташқи иқтисодий фаолият турларини амалга оширишда шартномавий ва бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан юзга келадиган низолар, корпоратив тусдаги низолар, инвестициялар, интеллектуал мулк ва блокчейн технологиялар билан боғлиқ низоларни кўришда тарафларнинг вақти ва харажатларини қисқартириши таъминлашга; **тўртинчидан**, халқаро тижорат арбитражи соҳасида етук мутахассисларни, шу жумладан, иқтидорли ёшларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни жаҳон андозаларига мос равишда олиб боришга хизмат қилади.

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

БУНЁДҚОР ХАЛҚИМИЗ ШИЖОАТИДАН КУЧ ОЛИБ...

Исажон СУЛТОН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Бошланиши 1-бетда

Бир маҳаллар ҳозирги Амир Темури хиббонага ёндош Пушкин кўчасидаги 1- уйда макон топган ва кейинчалик турли биноларга кўчариб, охири-оқибат Тошкент қурилиш бошқармаси биносидан ижара олишга мажбур бўлган Ёзувчилар уюшмаси жамоасининг сарсон-саргардонлиги Президентимизнинг 2017 йил июнь ойида Миллий бокка ташрифи вақтида айтган сўзлари билан ечим топгани барчанинг ёдида. Шундан сўнг орадан қисқа вақт ўтиб, пойтахтимиз марказида, Миллий бог бағрида Ёзувчилар уюшмаси учун янги, барча қулайликларга эга, ҳавас қилса арзигulik муҳташам бино қурилиб, фойдаланишга топширилиши маънавий-маърифий ҳаётимизда катта байрам бўлди. 9 гектар майдонда бунёд этилган Адиблар хиббони эса ижод ахлининг, интилувчан ёшларнинг ва адабиёт ихлосмандларининг, халқимизнинг том маънода маърифат марказига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 апрель куни эълон қилинган “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори янги ҳаётбахш жараёнларга йўл очиб берди. Айни шу қарор натижасида уюшма фаолияти тубдан янгиланди. Худудий бўлинмалар фаолияти тикланди, ҳар бир худудий бўлинма ўз манзилига, замонавий коммуникация воситалари ва транспорт каби қулайликларга эга бўлди. Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг ижтимоий ҳаётдаги нуфузи ва фаоллиги сезиларли даражада ортди, ёш ижодкорларга эътибор кучайди.

Мамлакатимизда ижодкорларга 1991 йилда, яъни мустақилликнинг илк кунларида пойтахтнинг четроқ ҳудудидаги бир уйдан 30 та хонадон ажратилган ва шундан сўнг бундай эътибор тўхтаб қолган эди. Қанчадан-қанча ижодкорларнинг фарзандлари ўлғайиб, турар-жой муаммоси вужудга келган, айниқса, ёш ижодкорлар худди Ёзувчилар уюшмасининг қисмати каби ижара ташвишида қийналишарди. Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли Тошкент шаҳрининг қоқ марказида 110 хонадонли бир неча замонавий турар-жой қурилиб, тўлиқ тайёр ҳолда фойдаланишга топширилди.

Давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли жадид ота-боболаримиз хотираси ҳам тикланди. Неча йиллик сансалорликдан сўнг улғў ёзувчи Абдулла Қодирий боғи ва уй-



музеи очилди. Наманган вилоятида Исҳоқхон Ибрат, Жиззах вилоятида Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Қорақалпоғистон Республикасида Ибройим Ўсупов, Қашқадарё вилоятида Абдулла Орипов, Фарғона вилоятида Эркин Воҳидов, Андижон вилоятида Мухаммад Ўсуп, Сирдарё вилоятида Ҳалима Худойбердиева, Хоразм вилоятида Мухаммадризо Огаҳий номидаги ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Ёш ижодкорларнинг анъанавий “Зомин” семинари фаолияти тубдан янгиланган ҳолда қайта ташкил этилди.

Ўзбек халқининг улғў адиблари — Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мўхтор таваллудининг 100 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукӯр Холмӣрзаев таваллудининг 80 йиллиги, танқили шоир Шавкат Раҳмон таваллудининг 70 йиллигини кенг нишонлаш борасидаги фармонлар ижодкорлар ва китобсевар омма томонидан катта қувонч билан қарши олинди.

Адабиётимизга дахлдор қўлпаз асарлар яратилган Дўрмон ижод уйи бундан 77 йил аввал, яъни 1944 йилда қурилган. Президентимизнинг эътибори ва жонқуярлиги туфайли ушбу маскан барча замонавий қулайликларга, спорт майдончаларига ва табиёт шохобчасига эга тарзда тўла таъмирланиб, ижодкорлар хизматида топширилди. Бундай ғамхўрликлар изчил давом этирилиб, сўлим Зомин бағрида ижодкорлар учун замонавий ижод маскани барпо этилиши нур устига нур бўлди. Куни кеча Тошкент вилоятининг Паркент туманида ижодкорлар учун янги “Заркент” оромгоҳининг очилиши эса барча учун яна бир катта шодиёна бўлди.



Ушбу ижод масканларининг номи бугун ва келажакда яратиладиган янгидан-янги асарларнинг ҳошиясидан ўрин олишига шубҳа йўқ.

Шу билан бирга, таъмирталаб бинода фаолият кўрсатаётган Ёзувчилар поликлиникаси ҳам тўла таъмирланди, янги замонавий ташхислаш ва даволаш ускуналари олиб келинди, малакали мутахассислар жалб қилинди ва ижод ахлининг оила аъзоларига ҳам беминнат хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик тантаналари арафасида давлатимизнинг адиб ва шоирларга юксак эътибори яна бир қарра намоён бўлди, яъни уюшмамизнинг бир қатор аъзолари мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар сафида менинг ҳам камтарона меҳнатим қадрланиб, юксак унвонга муносиб кўрилди, бу барча қатори мени ҳам элимиз, давлатимиз раънақи учун жон қойитиб хизмат қилишга ундайди. Шу билан бирга, марҳум ижодкорларимиз хотирасига кўрсатилган эҳтиром уларнинг оила аъзолари, кўпсонли адабиёт мухлисларининг фахру гурурига сабаб бўлди.

Ёзувчилар уюшмасининг халқаро доирадаги фаолияти янги миқёс касб этди. Қўшни мамлакатлар, шунингдек, Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва бошқа қатор мамлакатлар билан адабий алоқалар тикланди, сифат ҳамда самара жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори мамлакатимиз маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. Алишер



Навоий номидаги халқаро жамғарма ташкил қилиниши, туркий кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилиши ва буюк мутафаккир номидаги ижод мактаби бунёд этилиши каби халқимизнинг фахри бўлмиш улғў бобомизга кўрсатилган улкан эҳтиромни ифодаловчи эзгу ишлар ватандошларимизни, юртимиздаги ва хориждаги навоийшуносларни, адиб ва шоирларни, у зотининг мухлисларини беҳад қувонтирди.

Бунчалик кенг қўламли ва давомли эътибор ватанимиз ижодкорларини янги, бадий жиҳатдан юксак асарлар яратишга илҳомлантириши табиий, албатта. Чунки бугун янги тарих яратилмоқда. Ўзбекистон улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланмоқда. Замонавий корхона ва иншоотлар, автомобиль ва нефть заводлари, тўқимачилик комбинатлари, эркин иқтисодий зоналар барпо этилапти. Янги-янги конлар ишга туширилмоқда, минтақа ва худудларимизда автомобиль ва темир йўллар, сув омборлари, муҳташам кўприклар, аҳоли учун арзон уй-жойлар, қўлпаз илм-фан, табиёт, маданият ва спорт марказлари қурилмоқда, минглаб гектар майдонларда катта-катта бог-роғлар яратилмоқда.

Бундай бунёдкорлик ишлари ҳар қандай ижодкор учун илҳом манбаи, янги асарлар учун мазву бўлиб хизмат қилади. Ижод ахлига кўрсатилган ушбу ғамхўрликлар тарихнинг эзгуликлар билитлган зараракларидан жой олади ва юртдошларимизни “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” шиори ва Учинчи Ренессанс пойдевори қуриш гоёси атрафида бирлаштирган тарихий жараёнлар адибларимизнинг бадий жиҳатдан юксак янги асарларида ўз аксини топади, албатта.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА



Ҳасан Иброҳимов олган суратлар.

ЖАНУБ ГАВҲАРИГА АЙЛАНГАН ВОҲА



Рустам НОРЛИЕВ,
Термиз давлат университети
фуқаролик жамияти
кафедраси mudiri

Асосийси, ишлаб чиқариш сифатининг тубдан такомиллашиб бориши, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг янгича мазмун-моҳият касб этишида давлатимизнинг мустақил тараққиёт йўлини тўғри танлагани ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони имзолагани ҳам давлатимизнинг мустақил тараққиёт йўлини муваффақиятли босиб ўтишига амкоб яратмоқда. Бугунги кунда ҳам салбий таъсир ва оқибатлари сақланиб қолаётган пандемия дунё мамлакатлари иқтисодиётининг заиф жиҳатларини ошқор этиб қўйди. Лекин шундай мураккаб шароитда давлатимиз иқтисодиёти, тараққиётимизга асос бўлиб хизмат

Мамлакатимизда истиқлол туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳада бугунги кун талаби даражасидаги замонавий тармоқлар ва қудратли ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг натижасида давлатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ўсиб бораётгани ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари ортишида намоён бўлмоқда.

қилаётган Ҳаракатлар стратегияси яна бир бор ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўзининг амалий жиҳатларини намоён қилди. Утган йиллар давомида жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қўлга киритилган ютуқларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, эътироф этилган ютуқларга амин бўламиз.

Баралла айтиш мумкинки, бугун Ўзбекистон жаҳонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди. Ўзбекистон мустақиллик туфайли ўз халқининг юксак маънавияти, маданияти, ахлоқи, бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, улкан салоҳияти ва яратувчанлик қудрати билан жаҳоннинг илғор мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, сўнгги беш йил ичида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, унга муносиб ҳаёт тарзини яратиб бериш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар бутунлай янги босқичга чиқди.

Мустақил Ўзбекистоннинг жанубий дарвозаси, тарихий обидаларга, осори атиқаларга бой саналган қўҳна ва доимо жўшқин Сурхон заминининг Тешиктош ғорида илк одамзод қолдиқларининг топилиши бу ҳудуднинг нақадар қадимийлигини кўрсатса, Заратустой қоятошларидаги рангли тасвирлар бу юртининг дунёдаги энг қадимий санъат шаклланган воҳалардан бири эканини намоён этади. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Термиз Археология музейига ташриф буюрсангиз, бунга ўзининг амин бўласиз. Вилоят ҳудудида 800 га яқин номоддий маданий мерос объекти

аниқланган бўлиб, улардан 364 таси рўйхатдан ўтган ва музей томонидан 61 та объект манзиллари жадвали тузилган.

Сўнгги йилларда воҳада муқаддас қадамжоларни тиклаш, буюк аجدодларимиз мангу ором топан макбараларни ободонлаштириш масаласига энг



устувор вазифалардан бири сифатида қараб келинмоқда. Президентимиз 2016 йил октябрь ойида Сурхондарёга ташрифини Ҳасан Мирзиёев зиёратгоҳидан бошлагани, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 февралдаги “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ана шундай улуг ишлар силсиласининг янги босқичи сифатида тарихий аҳамиятга эга.

таъминоти яхшиланиши мақсад қилинган. Бу эса воҳанинг ҳақиқий жануб гавҳарига айланишида асосий омиллардан бири бўлиши шубҳасиз.

Бугунги глобаллашув даврида воҳамизнинг қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришдаги роли ошиб, давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланган ахил кўшничлик принципларининг рўёбга чиқишида катта аҳамият касб этмоқда. Сурхондарё вилояти Афғонистон билан чегарадош. Шу нуқтаи назардан, қўшни афғон халқи билан дўстона муносабатларни ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ва таълим соҳаларига оид алоқалар

2 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Термиз халқаро савдо маркази” эркин савдо зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши қўшни Афғонистон билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим қадамлардан бири бўлди. Бундан ташқари, “аср лойиҳаси” деб аталаётган, Ўзбекистонни дунё портларига олиб чиқувчи темир йўл қурилиши лойиҳасида ҳам Сурхон воҳасининг, ҳусусан, Термиз шаҳрининг аҳамияти юқори бўлиб, бу лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг шиддат билан ривожланишига асос бўлиб хизмат қилиши кўплаб экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.

қўллаб-қувватланадиган, мустақил иш олиб борадиган, барқарор фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий шароитлар яратилган.

Сурхондарё вилоятида ҳам фуқаролик жамияти институтларининг аҳоли фуқаролик онги ҳамда сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ўстиришдаги роли ошмоқда, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаоллиги кучаймоқда.

Айни пайтда вилоятда 600 га яқин ННТ фаолият юритади. Уларнинг 35 фойздан ортиги аҳолига касб таълими, ишга жойлаштириш бўйича ҳуқуқий кўмак, шунингдек, ногиронлиги бор ва ижтимоий муҳофазага муҳтожларга ёрдам кўрсатишга ихтисослашган. Бундан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотлар аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, улар ўртаси-



Албатта, юқорида тилга олиб ўтилган ислохотлардан, имкониятлардан фойдаланиш натижасида Сурхон элининг турмуш шароити, фан, таълим ва спорт соҳасидаги ютуқлари кундан-кунга ошиб бораётгани қувонарли. Яқин йилларга чила вилоятда ягона — Термиз давлат университети фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб олий таълим муассасаларининг сони 6 тага етгани Сурхондарёда малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришга, ижтимоий-иқтисодий, тиббиёт ва қишлоқ ҳўжалиги соҳалари ривожига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлардан асосий мақсад демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат. Ўз тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамоиллини изчил амалга ошириш доирасида аҳоли кенг қатламлари томонидан

да тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари бўйича ҳам фаолият юритади.

Изчил ислохотлар ва улар натижасида қўлга киритилган ютуқларнинг барчасида, энг аввало, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, оққўнғил, ориятли ва меҳнатқаш Сурхон халқининг муносиб ўрни бор.

Бахшилар тилида турфа оҳангларда қуйланган Сурхон замини бугун ўзгача чирой касб этади. Минг йиллар қаъридан садо берувчи қадим обидалари қўҳна тарих ҳақиқатларидан сўзласа, шаҳар ва туманларда қад ростлаётган замонавий иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари бу замин учун янги тараққиёт даври бошланганидан дарак беради. Кўнгли кенг, жануб қўшидай истариси иссиқ, меҳри қайноқ сурхонликлар замон билан ҳамқадм тарзда ҳалол меҳнат қилишдан, шу юрт тараққиётига ҳисса қўшишдан чарчамайди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ — АМАЛДА



Улўғбек РАҲМОНҚУЛОВ,
журналист

Бошланиши 1-бетда

— Бу лойиҳа давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилди, — дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Тоҳир Хайдаров. — Шу кўнғача Олот ва Қорақўл туманларидаги 88 та маҳалладан 26 таси марказлашган ичимлик суви билан таъминланган эди. Бу лойиҳа амалга ошиши билан 2 та туманининг 88 та маҳалласи қамраб олинди.

— Бу жараёнда сўз ва иш бирлигининг самарасини кўрдик, — дейди қорақўллик Хайитбой Тангриев. — Юртбошимиз Бухорога келганида шу топишриқни берганди. Мана, айтилган гап айтилган мўддатда бажарилди. Бундан 5-6 йил бурун маблағ йўқ, деган фикрдан нарига ўтишмай келди. Мана, бор экан-ку маблағ. Демак, ҳамма ишни қилса бўларкан. Бунчалик катта миқдосдаги лойиҳани аввалига тасаввуримизга сиғдирилмадик. Амударёнинг лойқа суви шунчалик тозаланиб, зилол сув қилиб берилмаптики, хайрон қола-сиз. Бу ҳаммаси халқимизнинг сийхат-саломатлиги ва яхши яшаши учун.

Интиқиб кутилган орзулар рўёби... Ушбу эзгу ташаббус туфайли Олот ва Қорақўл туманларининг 267 минг кишилик аҳолиси марказлашган сув таъминотига эга бўлади. Эътиборли жиҳати — деярли 183 минг аҳоли илк бора тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлади. Бу рақамлар ҳам умумий қиймати 139 миллион АҚШ долларига тенг

бўлган лойиҳанинг ижтимоий аҳамиятини янада чуқурроқ аниқлаш имконини беради. Бу хурсандчиликларни маҳалласига сув кириб борган олотлик Саидқул Оқиевнинг сўзларидан аниқлаш қийин эмас.

— Тоза ичимлик сув Олот ва Қорақўл халқининг асрий орзуси, — деди у. — Бугун ҳар битта хонадонда байрам. Беш йил бурун буни орзу ҳам қилмаганмиз. Бўлаётган бу ишларни кўриб ўзим хайрон қолялман. Ишонч ҳосил қилдикки, давлатимиз куч-қудрати нимага қодир эканига. Бу тарихий лойиҳа. Ўйда жўмакни бўраб, тоза сув ичасиз, дейишса, эртадек туюларди. Мана, кўз ўнгимизда рўёбини кўрдик. Халқни юракдан севган раҳбаргина бундай саъй-ҳаракатларга қўл уради. Давлатимиз раҳбари ўз халқининг саломатлигини йўлаб, унинг келажаги йўлида ҳеч нарсани аяётгани йўқ. Минг раҳмат.

Бир кеча-кундузлик қувватни камида 50 минг куб метр ҳажмдаги сувни тозалаб берувчи “Икки даҳа” сув иншоотини барпо этиш лойиҳасида Эроннинг 40 йиллик тажрибага эга “Шимбар” компанияси муҳандис ва мутахассислари иштирок этади.

Лойиҳа менежери Хадат Каримининг сўзларига кўра, йирик сув мажмуасида энг янги ноу-хаулар жамланган.

— Сув сифатини ўзининг баҳолашингиз мумкин, — дейди у. — Масалан, ушбу икки идишдаги сувни таққослаймиз. Биринчисида, филтрланмаган сув. Қандай ғуборли эканлигига эътибор беринг. Иккинчи идишда сув иншоотида ишлов берилган сув. Фарқ катта. Икки туман аҳолиси мана шундай тоза сув ичади. Бутун дунёда пандемия бошланганидан сўнг бу бизнинг

режаларимизга халал берса керак деб ўйлагандик. Аммо мамлакат раҳбарияти бизга катта ёрдам берди. Биласизми, барча ресурслар ишга солинди. Биз ўз ишимизни тўлиқ давом эттиришга муваффақ бўлдик. Шу жиҳатдан таъкидлашми жоиз, лойиҳанинг ўз вақтида ниҳоясига етгани — давлатнинг бу масалага бефарқ бўлмагани натижаси.

Одатда, мутахассислар ичимлик сувнинг сифат кўрсаткичини унинг “қаттиқ”лиги билан ўлчайди. Унга кўра, сувнинг қаттиқлиги 7-10 эквивалентга тенг бўлиши лозим. Таҳлилларга кўра, Олот туманида барпо этилган сув иншоотидан аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сувнинг “қаттиқ”лиги 6-6,5 эквивалентни ташкил қилмоқда.

— Дўконда сотилаётган қадоқланган сувдан ўн чандон яхши десам, лофга йўйманг, — дейди Саидқул Оқиев. — Мен бу сувни ичгандан

кейин хайрон қолдим. Мана, бўларкан-ку. Халқимиз раҳмат айтаяпти. Худода шўкр қиляпти, шу давлатда яшаганига шўкрона келтиряпти.

— Шу пайтгача уйимизда қурилган 5 кублик бетон “иншоот”лардан фойдаланиб келардик, — деди қорақўллик меҳнат фаҳрийси Насриддин Ёдгоров. — Уни 300 минг сўмга сув билан тўлдириб олардик. Сув иншоотидан келаётган сувнинг 1 куб 2500 сўм экан. 5 куб сув 11-12 минг сўм бўляпти. Энди 300 минг сўм қаерда-ю, 11 минг сўм қаерда. Яна сувнинг сифатини айтмайсизми?!

Хайрли ишдан, айниқса, қишлоқ аёллари мамнун.

— Бундай сувни бизнинг аёллар бир умр орзу қилган, — дейди Муборак Қадандарова. — “Келади-келади”, деган миш-мишлар қўл эди, лекин бундай сувлар ҳали-бери оилаларга кириб келмаса керак, бу иншоотлар



15-20 йилларда қурилса керак, деб ўйлардик. Қаранг, ҳар бир хонадонга энг тансиқ неъмат кириб келди. Мингдан-минг раҳмат.

Олот ва Қорақўл туманлари ичимлик сув таъминотини яхшилаш лойиҳасига кўра, энг сўнгги технологияларга асосланган, суткалик қуввати 50 минг куб метр бўлган сув тозалаш иншооти, 16 та марказий сув тақсимлаш станцияси барпо этилди. Шунингдек, 250 тонна ҳажмдаги 37 та сув минораси ҳамда 3086 километр узунликдаги сув тармоғи қурилди. “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Тоҳир Хайдаровнинг айтишича, аҳолига ичимлик сувни етказиб беришдаги сўнгги нуқта — сув миноралари ҳам ўзига хос технологияга асосланган. Уларнинг баландлиги шундай ҳисоб-китоб қилинганки, худуддаги охириги хонадонгача бир меъёрга сув етиб боради. Энг асосийси — сув минорасидаги ичимлик сув аҳоли хонадонларига электр энергия сарflanмай етказилади.

Албатта, сув борган гўшалар янада обод бўлади, аҳолининг турмуш шароити тубдан яхшиланади. Яна

бир томони, лойиҳа маҳаллий аҳолининг буйрак-тош, қолаверса, жигар хасталикларига ҳалиниш ҳолатларини ҳам кескин камайтириши билан аҳамиятли.

Эътибор беринг, бугун икки туман аҳолисининг ичимлик сува бўлган бугунги эҳтиёжи қунига 32 минг куб метр ҳажми ташкил этади. Бошқача айтганда, ушбу хайрли лойиҳа нафақат бугунги, балки эртанги кун истиқболини кўзлаб амалга оширилди.

— Олот, Қорақўл туманлари аҳолисининг бугунги қуни учун эмас, келажакда сон жиҳатдан икки баравар ўсса, сув уларга ҳам етар экан, — дейди ўта мамнуният билан Хайитбой Тангриев. — Шунчалик узокни кўзлаб қилинаётган иш экан. Раҳмат, қойил.

Бугун юртимиздаги ўзгаришлар хусусида Насриддин Ёдгоров шундай дейди:

— Бизнинг давримизда бунақа катта лойиҳалар ҳам, катта қурилишлар йўқ эди. У йилдан бу йилга туманимизда битта мактаб қуриларди. Шу ҳам катта иш эди. Қаранг, шу йилнинг ўзида 7 та боғча қуриляпти. Қанча мактаблар барпо бўляпти. Ўзим ҳам баъзида шу замонда яшаб турганимга ишонмай қолам.

Агар Янги Ўзбекистоннинг мухтасар тарихи саҳифаларига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш энг устувор вазифалардан бири бўлиб келаётганига ишонч ҳосил қиламиз. Бугун Олот ва Қорақўл туманларида яшаётган минглаб инсонларнинг узок йиллик орзулари ушалди. 200 мингга яқин аҳоли илк бора марказлашган сув таъминотига эга бўлади. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Режага кўра, “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан шу йилнинг сўнгига чала 1 миллион юрдошимизнинг хонадонига тоза ичимлик сув етиб боради. Шунча инсонларнинг азалий орзулари рўёбга чиқади...

НУҚТАИ НАЗАР

Имом Бухорий бобомиз тўплаган муборак ҳадислардан бирида: “Ёшлиқда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабидир”, деб айтилади. Буюк алломаларимиз ана шундай ҳикматларга амал қилиб, илм-фан соҳасида буюк кашфиётларни амалга оширганлари ва умумбашарий тафаккур ривожига бекиёс ҳисса қўшганлари тарихдан яхши маълум. Ана шундай қутлуғ анъаналарни давом эттириб, юртимизда янги хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, ибн синолар, мирзо улуғбеклар, навоийларни тарбиялаб етказиш — нафақат вазифамиз, балки тарих ва келажак олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
“Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсидан.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети профессори
вазифасини бажарувчи,
юридик фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, ОАВ ёхуд жаҳон ахборот тармоғи — интернет орқали тарқатилётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бовловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш, узлуксиз маънавий тарбияни йўлга қўйишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини самарали ташкил этиш зарурлиги таъкидланади.

Демак, узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг мақсади — ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос тарзда босқичма-босқич

шакллантиришга қаратилган. Сабаби, тарбияга янги, тизимли ёндашув лозим. Болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари, маҳалланинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш ва улар орасида илмий-методик узвийлиқни янги даражага кўтариш ҳам давр талабига айланган.

Дарҳақиқат, узлуксиз маънавий тарбия концепцияси болага ҳомиладорлик давридан бошлаб унинг 30 ёшигача давом этадиган босқични ўзида мужассам этиши билан аҳамиятли. Зеро, у ижтимоий институтларнинг самарали ҳамкорлиги асосида давлат ва жамият учун фаол фуқарони шакллантиришни ўзида мужассам этган мантиқан алоқадор ва узвий боғлиқ муҳим жараён ҳисобланади.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясининг ўзига хос хусусиятлари

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда мустақамлашнинг энг муҳим шартидир. Зеро, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқий таълим ва тарбияни тизимли ва узвий йўлга қўйишни талаб қилади. Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммуни-



“Концепцияларнинг ҳар иккиси аҳоли, айниқса, ёшларнинг мустақил ва фаровон ҳаётга тегишли ижтимоий малака, фазилат ва билим ҳамда кўникмаларини ёшига мос равишда босқичма-босқич шакллантиришни назарда tutиши билан аҳамиятлидир. Уларда қўйилган мақсад ва белгиланган вазифаларни амалга оширувчи субъектлар ҳам деярли бир хил. Яъни, оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият.

тетни шакллантириш лозим. Шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга

садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотишга комплекс ёндашиш жамиятда ҳуқуқий

маданиятни юксалтириш концепциясининг асосий талаби ҳисобланади. Шу тариқа ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига синдириш ҳам муҳим саналади.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясининг асосий вазифалари, биринчидан, аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантиришни назарда тутати.

Иккинчидан, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш ҳамда мактабгача таълимдан бошлаб, аҳолининг барча қатламига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур синдириш белгиланган.

Учинчидан, ёшлар онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур синдириб боришдан иборат. Шунингдек, Конституциянинг муҳим жиҳатларини болалигидан ўргатиш таъкидланган.

Умуман олганда, мазкур концепция қўллаб мана шу каби вазифаларни ўз ичига олиб, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни “шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият” тамойиллари асосида тизимли ва узвий ташкил этишни назарда тутати.

Концепциялардаги ўзаро уйғунлик

Ҳар иккала концепция бир-бирига моҳияти, мантиғи, юридик табиати, мақсад ва вазифаларига кўра яқин ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қабул қилинган ҳам уларнинг яна бир ўхшаш жиҳати саналади. Масалан, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2019 йил 9 январдаги фармони асосида тасдиқланган бўлса, Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги қарори билан қабул қилинган.

Концепцияларнинг ҳар иккиси аҳоли, айниқса, ёшларнинг мустақил ва фаровон ҳаётга тегишли ижтимоий малака, фазилат, билим ҳамда кўникмаларини ёшига мос равишда босқичма-босқич шакллантиришни назарда tutиши билан аҳамиятлидир. Уларда қўйилган мақсад ва белгиланган вазифаларни амалга оширувчи субъектлар ҳам деярли бир хил. Яъни, оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият.

Ҳар иккала ҳужжатда ҳам мувофиқлаштирувчи ташкилотнинг аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, узлуксиз маънавий тарбия соҳасида Республика Маънавият ва маърифат маркази, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мувофиқлаштирувчи орган саналади.

Барча тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳар иккала концепцияда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан масъуллиги белгиланган. Энг муҳими, ҳар иккала концепция янги Ўзбекистон учун масъулиятни зиммасига олишга қодир, ватанпарвар ва ҳуқуқий маданияти юксак, фаол фуқарони тарбиялашга хизмат қилишни назарда tutишида кўринади.

Давлатимиз раҳбари ўз интервьюсида “Айни пайтда яна бир ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим: бугунги Ўзбекистон — бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган янги Ўзбекистон эмас. Ҳали бу маррага етиш учун олдимизда жуда олис ва машаққатли йўл турибди. Йўлимиз шу пайтгача осон бўлгани йўқ, бундан кейин ҳам осон бўлмайди. Лекин биз дадил олдинга боришдан, керак бўлса, қўтилмаган, аммо пировард натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ноанъанавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаслигимиз зарур”, дея таъкидлади. Табиийки, мамлакатимизда муносоиб ёшлар тарбияси ҳам айнан шу мантиққа асосланишини, бу борада тарих ва келажак олдидаги ўз масъулиятимизни унутмаслигимиз лозим.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



Хоразмнинг Боғот тумани Дехқонбозор қишлоғидаги бешта маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли томорқасида узум етиштиради. Олинаётган даромад сабаб сўнгги йилларда узумчиликка қизиқиш ошди.

БОҒОТ УЗУМЛАРИ — ЙИЛ ДАВОМИДА БОЗОРЛАР КЎРКИ

Қишлоқнинг биргина Узумзор маҳалласида 810 та хонадон бор. Маҳалладаги томорқаларнинг 77 гектари тоқзордан иборат. Бу эса ҳар бир хонадонга ўртача 12-14 сотих тоқзор тўғри келади дегани. Ушбу томорқалардан ҳар мавсумда ўртача 4-4,5 тонна узум олинади. Утган йилнинг кузида бир килограмм узум ўртача 4,5 минг сўмдан сотилди. Одамларнинг даромади ҳам шунга яраша бўлди.

Етиштирилган ҳосилнинг аксари экспортга чиқарилади. Шу боис сентябрь ойи бошларидаёқ қишлоқ кўчаларини халқаро йўналишда юк ташувчи автоуловлар эгаллайди.

Умуман, Боғот тумани ўз номига мос равишда охириги йилларда боғдорчилик, айниқса, узумчиликда вилоятда пешқадамликни кўлга олди. Туманда соҳага ихтисослашган фермер хўжаликлари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳозир узумчилик билан машғул 32 та фермер хўжалиги ҳисобида 595 гектар тоқзор бўлиб, уларнинг 434 гектарини ҳосилли майдонлар ташкил қилади.

Аҳоли томорқаларида беш юз гектардан ортиқ тоқзор бор. Ҳар гектар

ҳисобига ҳосилдорлик ўртача 250 центнерни ташкил этапти.

Туманнинг Ўғизравот, Миришкор, Бешариқ, Қораянтоқ қишлоқларида яшовчи аҳоли ҳам узумчиликка ихтисослашмоқда. 2020 йилда туманда 14 минг 353 тонна узум етиштирилди. Шунинг 4819 тоннаси фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

Утган йили 2 600 тонна узум экспорт қилинди. Жорий йилдаги режа эса экспорт ҳажмини камида 3,1 минг тоннага етказиш. Бир килограмм узум баҳоси бир доллар эканлигига эътибор қаратсак, аҳоли қанча даромад қилишини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Аҳоли дастурхонини йил-ўн икки ой узум билан таъминлаш тизими аллақачон йўлга қўйилган. Утган йилларда 18 нафар тадбиркор томонидан 6 450 тонна ситимли совитчилик омборлар қурилди ва фермер ҳамда аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Жорий йилда яна шунча миқдордаги узумни сақлаш учун 26 нафар тадбиркор совитчилик омбор қуришни режалаштирган. Бу билан туманда етиштирилган узумнинг 12 850 тоннаси, яъни деярли қассон фоизини йил давомида сақлаб, ички ва

ташқи бозорга чиқариш имкони яратилади.

Жорий йил бошида 6 нафар ташаббускор томонидан 150 гектар майдонда янги тоқзорлар барпо этилди. Қишлоқлар аҳолиси ўз томорқасида ташкил этган тоқзорлар ҳам бундан кам эмас.

Президентимиз узум етиштириш, уни саноат усулида қайта ишлашни ривожлантириш юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида соҳани янада кенгайтириш, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 44 та туманда янги экспортбоп узум плантациялари ташкил қилиш вазифасини қўйди. Ушбу туманлар қаторида Боғот ҳам бор.

Бир вақтлар аҳоли орасида ишсизлар кўплигидан энг қоқоқ маҳаллалардан бири Ўзғариш эди. Ушбу маҳаллага ўтган йилларда “Ризамат ота”, “Келин-бармоқ”, “Сўғдиёна” ва “Кетмон соли” маҳаллий узум навлари келтирилиб экилди. Натижада аҳоли иш билан таъминланди. Бундан ташқари, ушбу узум навлари экспортбоплиги учун боғбонларнинг даромади ҳам ички бозорга чиқарилганидан кўра икки ҳисса ошди бўлмоқда. Айни пайтда ўзғаришликлар ушбу узум навларини кўпайтириш ва

Туманнинг Ўғизравот, Миришкор, Бешариқ, Қораянтоқ қишлоқларида яшовчи аҳоли ҳам узумчиликка ихтисослашмоқда. 2020 йилда туманда 14 минг 353 тонна узум етиштирилди. Шунинг 4819 тоннаси фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Утган йили 2 600 тонна узум экспорт қилинди. Жорий йилдаги режа эса экспорт ҳажмини камида 3,1 минг тоннага етказиш.



бошқа маҳалла аҳлига етказиб бериш орқали ҳам қўшимча даромад топапти. Ўзғаришдаги ўзғаришлар тез орада барча маҳаллаларда ҳам кўзга ташланади, натижада туман ўз номига мос — узумчиликка ихтисослашган ҳудудлардан бирига айланади. Зеро, бунинг учун мустаҳкам асос бор — Президен-

тимиз янгидан экспортбоп тоқзорлар ташкил қиладиган фермерларга ҳар гектар учун 10 миллион сўм субсидия берилишини таъкидлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, туманда йилига икки минг тонна узумни қайта ишлайдиган корхона барпо этиш давлат дастурига киритилган. Бу нафақат

узум, балки ундан турли ширин-шакар маҳсулотлар тайёрлаб, ички ва ташқи бозорларга чиқариш имконини ҳам беради.

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

**“ЎЗБЕКНИНГ САМИМИЙ ҚАЛБИ,
ТАРБИЯДАГИ ҲАЁ ВА ИБОСИ, АНДИШАСИ
БОШҚА ҲЕЧ ҚАЕРДА, ҲЕЧ КИМДА ЙЎҚ”**

Ушбу цивилизациянинг вужудга келишида Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг хизматлари беқиёс.